O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 23 февраль, № 39 (4192) Жума

Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси

Савол. *Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши юртимизда катта қувонч билан кутиб олинди.*

Барчамиз яхши тушунамизки, Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ислом оламидаги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаб ва асослари бор, албатта. Мана шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни гапириб берсангиз.

Жавоб. Ҳақиқатан ҳам, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир.

Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб ишонч билан айтишга асосларимиз бор.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало, шуни айтиш керакки, у Ислом конференцияси ташкилотининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, 1979 йили мазкур ташкилотнинг Марокаш давлатининг Фес шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида унга асос солинган. Ислом конференцияси ташкилоти деганда эса, мусулмон оламини бирлаштирадиган ва ўз таркибида 57 та мамлакатни жам этган, халқаро миқёсдаги муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нуфузли ташкилотни тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, АЙСЕСКО фаолиятининг асосий йўналишини фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини изчил ривожлантириш, ана шу негизда аъзо давлатлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш каби муҳим вазифалар ташкил этади.

Шу ўринда мен, аввалам-бор, Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилган ана шу ташкилотнинг кўпни кўрган, ислом оламида катта мавқе ва ҳурматга эга бўлган раҳбарлари ва фаолларига мамлакат Президенти, қолаверса, шу юрт фуқароси, мусулмон фарзанди сифатида халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Бу қувончли воқеа муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олиму уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига қизғин қутловлар келмоқда. Бу табрикномалар орасида Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Бутунжаҳон ислом лигаси Бош котиби, доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий, АЙСЕСКО Бош директори, доктор Абдулазиз Осман ат-Тувайжирий, Ислом тараққиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али, Эрон Ислом Республикасининг собиқ Президенти, Маданиятлар ва цивилизацияларо мулоқот халқаро институти директори Саййид Муҳаммад Ҳотамий, Мисрдаги «Ал-Азҳар» диний марказининг шайхи ва бош имоми, доктор Муҳаммад Саййид Тантавий, Исломобод халқаро ислом университети ректори, доктор Манзур Аҳмад ва бошқа ўнлаб атоқли шахсларнинг юртимиз ва халқимиз шаънига билдирган самимий сўзларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия, Кувайт каби бир қанча мамлакатларнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат намояндалари, оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам шу муносабат билан ижобий фикрлар билдирилгани эътиборга молик.

Шуни айтиш керакки, биз бу инсонларнинг кўпчилигини яқиндан биламиз ва уларни юксак қадрлаймиз. Уларнинг айримлари билан эса ғойибона танишмиз. Матбуотимизда чоп этилган ана шу қутлов ва фикр-мулоҳазалар билан танишар эканмиз, уларда бизнинг қадимий ва бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга нечоғлиқ чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуси ифода этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.



Гарчи бу номалар Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг номимга юборилган бўлса-да, уларда битилган табрик ва тилаклар юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларга, бутун халқимизга қаратилганини, табиийки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрга урғу беришни истардим: агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шахсан менга бундай холис ва ҳаққоний баҳодан, аввало, юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуғ алломалар ва азиз зотларнинг муборак руҳлари шод бўлаётгандек туюлади ва ўйлайманки, бу фикрга барча юртдошларимиз ҳам қўшилади.

Энди бевосита Тошкентга "Ислом маданияти пойтахти" деб ном беришга асос бўлган омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, фақатгина иккита муҳим йўналишга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Биринчидан, "Ислом маданияти пойтахти" деган тушунча ўзида қандай маъно-мазмунни ифода этади? Иккинчидан, бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун қандай мезон ва тамойиллар асосий сабаб бўлиши мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, бу масалада номзод мамлакатнинг умумий тарихи, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи катта роль ўйнайди. Шунингдек, мазкур халқ ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртнинг асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олиниши муқаррар. Шу билан бирга, номзод мамлакат томонидан бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан қилинаётган ишларга алоҳида баҳо берилиши табиий.

Барчамизга маълумки, юртимизда ана шундай мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, бебаҳо тарихий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан фақат тор доирадаги мутахассислар илмий мақсаддагина фойдалана оларди. Бу меросни синфий ва мафкуравий нуқтаи назардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга эса мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билади.

Бугунги кунда биз ворис бўлган ана шу моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётганини таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз жамоатчиликка яхши маълум.

Биз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратмоқдамиз. Баъзи бир йирик обидалар бўйича бундан 15-20 йил олдин бошлаган ишларимиз ҳозиргача давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш — бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир.

(Давоми 2-бетда).

Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимиз минтақаларида ўтган йил якунлари Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида олдинга қўйилган талаблардан келиб чиқиб муҳокама қилинмоқда.

Юртбошимиз маърузасидаги «Юксак марраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак» деган сўзлар ҳар бир фуқаро қалбида акс-садо бермоқда.

Йил сарҳисоби: ТАҲЛИЛ, САБОҚ ВА ЕЧИМЛАР

Тошкент Ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 8,2 фоизга ўсди. Саноатда бу кўрсаткич 6,8, қишлоқ хўжалигида 9,2, чакана савдо айланмасида 11,2, пуллик хизматлар кўрсатишда 18,8, маиший хизмат кўрсатишда 14,2, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда 15,9 фоизни ташкил этди.

Вилоят ҳокимлигида 2006 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи З. Ниёзовнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидландики, ўтган йили деярли барча соҳаларда иқтисодий ўсишга эришилди. Масалан, саноатни оладиган бўлсак, 2245 миллиард сўмлик маҳсулот ва 385 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ана шу ютуқда, айниқса, республикамизда йирик корхоналардан ҳисобланган Олмалиқ тоғ-металлургия ва "Бекободметаллургия" комбинатларининг улуши катта бўлди. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастури бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигида юқори натижалар қўлга киритилди. Соҳада иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилганлиги натижасида 953 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилди. Бунда фермерларнинг ҳиссаси 88,45 фоизни ташкил қилди. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган 41 та, мева-савзовотчиликка ихтисослашган 69 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари тузилди. Ҳозир ҳам бу жараён давом этмоқда.

Соҳада иш юритишнинг истиқболли усули — фермерликка хизмат кўрсатиш тизими ҳам яхшиланиб бормоқда. Хусусан, биргина ўтган йили кредит ва лизинг ҳисобидан 7,6 миллиард сўмлик замонавий техника воситалари сотиб олинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни йўлга қўйиш, кам таъминланган оилаларга қорамоллар бериш ҳисобига эса 39,9 мингта янги иш ўрни яратилди. Унинг 56,4 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

(Давоми 2-бетда).

Экспорт — миллат шаъни

2006 йилда товар маҳсулотлари экспорти ҳажми **31,5 %** ўсди.



Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб 2 млрд. $ гача кўпайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2006 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Ушбу масала юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг биринчи котиби Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Х.Дўстмуҳамедов сўзга чиқдилар. Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш чоғида депутатлар «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг яқин келгусида қабул қилиниши муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2006 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунова тақдим этди. Мазкур ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар ҳамда ушбу Қонун қабул қилинишини ёқлаб овоз бердилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Тўхташев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

2007 йил 27 февралда Қонунчилик палатасининг мажлиси давом эттирилади.

(ЎзА).

Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мисол учун, қадимий қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва талқин қилиш учун олим ва мутахассисларимиз қанчалик билим, истеъдод ва зеҳн, масъулиятга эга бўлиши зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Кези келганда айтиш лозимки, айнан муқаддас китоблар, диний қўлёзмаларнинг маъносини нотўғри талқин қилиш оқибатида бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарама-қаршиликлар юзага келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёки айтайлик, кўҳна мадраса ва масжидлар пештоқига араб ёзувида битилган сўзларни ҳар қандай одам ҳам ўқий олмайди. Нега деганда, исломий хаттотлик санъатининг ўзи бир олам бўлиб, унинг қанча-қанча ўзига хос сирлари бор.

Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом эттирилмоқда.



Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотурудий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Шу борада бугун Тошкент шаҳрида жойлашган, Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида кенг кўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш фурсати келганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай савобли ишларда қандайдир иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ. Чунки такрор айтаман, бу — халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан узвий боғлиқ масаладир. Шунинг учун ҳам бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларни ҳам биз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто чинорлар қандайдир касалликка чалинганда, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди. Бундай фикрни Шаҳрисабздаги Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида қад ростлаб турган кўҳна чинорлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.

Олдимизга қўйган бундай эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечиришда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Ўзингиз ўйланг, агар биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва фарзандларимизга безавол етказиш ҳақида қайғурмасак, бунинг учун астойдил ҳаракат қилмасак, бугун маънавий ҳаётимизни озиқлантириш ва юксалтириш ҳақида гапириш мумкин бўлармиди?

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби — биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.

Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини биз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса, аввало, ўз имкониятларимизни яна бир бор холисона баҳолаб, яқин келажак ва истиқболдаги энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олишимиз даркор. Шу мақсадда тегишли амалий дастур ишлаб чиқилгани, унда юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини изчил давом эттириш, ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар режалаштирилгани, жумладан, пойтахтимизда «Ислом ва бағрикенглик» мавзусида нуфузли халқаро илмий конференция ўтказиш кўзда тутилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Ўйлайманки, биз, халқимиз, жамоатчилигимизнинг куч-ғайрат ва саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ва сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизга нисбатан билдирилган "Ислом маданияти пойтахти" деган юксак эътибор ва ишончни амалий ишлар билан оқлашга эришамиз, албатта.

Ана шундай эзгу интилишларимизни амалга ошириш йўлида юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, азиз Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада зиёда қилишини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

Йил сарҳисоби:

ТАҲЛИЛ, САБОҚ ВА ЕЧИМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур йўналишда товар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсмоқда. Чунончи, ўтган йили мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 44,2 фоизга етди. Бу кўрсаткич 2005 йилдигига нисбатан 11,9 фоиз кўпдир.

Лекин йиғилишда қайта-қайта қайд этилганидек, айрим соҳаларда пойтахт вилояти салоҳияти, имконияти даржасида иш юритилмоқда, деб бўлмайди. Мисол учун, 21 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш суръати ҳамон паст. Бундай жамоаларнинг 19 фоизи Чирчиқ ва 14 фоизи Олмалиқ шаҳарларига тўғри келади. Шунингдек, 12 та корхонада 8,3 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари кам тайёрланган. Ҳукуматимиз томонидан корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш бўйича яратилган имкониятлардан ҳам унумли фойдаланилмаяпти.

Президентимиз Фармонига кўра, йирик саноат корхоналари билан касаначиликни йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишларда ҳам камчиликлар мавжуд. Жумладан, ушбу йўналишда белгиланган топшириқ "Бекободцемент" акциядорлик жамиятида 43 фоиз, "Кибо" қўшма корхонасида 69 фоиз, "Ғазалкент" акциядорлик жамиятида 61, "Чиноз тўқимачи" қўшма корхонасида 34 фоиз бажарилгани билан муроса қилиб бўлмайди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятда бир неча туман мева-сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса-да, бозорларда ҳамон картошка ва бошқа баъзи бир қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи баландлиги, қишлоқ аҳолиси пойтахт бозорларидан маҳсулот харид қилаётганлиги танқид қилинди. Айни чоғда чорвачиликни ривожлантириш долзарб вазифа эканлиги, келгусида 4 та туманни бу жабҳада республикамизнинг намунали туманига айлантириш зарурлиги уқтирилди.

Йил якунларига бағишланган йиғилиш ошкора, очиқ мулоқот тарзида ўтди. Сўзга чиққанлар ҳисобот бермасдан, ечимини кутаётган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Раҳбарларнинг камчиликларни ечиш учун мажлис қилмасдан, жойларга бориши, оддий одамлар билан учрашиши лозимлиги, шу билан бирга, барча бўғиндаги бошлиқлар, ҳокимларнинг ҳисоботини халқ олдида эшитишни йўлга қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари "пойтахт вилояти" деган номга муносиб бўлиш, унинг мавқеини бундан-да кўтариш мақсадида барча чора-тадбирларни кўришга келишиб олдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Тошкент шаҳри

Фаоллар йиғилишида пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2006 йил якунлари ҳамда жорий йилда бажарилиши кўзда тутилган устувор вазифалар муҳокама этилди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўтган йили шаҳар янада гўзал қиёфа касб этгани, кўплаб саноат корхоналари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият даргоҳлари, равон йўл ва кўприклар, хиёбонлар барпо этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Сарҳисобларга қараганда, давлат ва маҳаллий бюджетнинг параметрлари тегишли равишда 2,2 ва 3,4 фоизга ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,9, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 25,2, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 29,6, пудрат ишлари бажарилиши 4,3, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичлар эса 16 фоизга ошди.

Ҳисобот даврида тўқимачилик соҳасида юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Бунда, айниқса, «Байтекс тижарет», «Шайхонтоҳур текстил», «Мурувват текс», «БФ текстайл» каби қўшма корхоналарнинг улуши салмоқли бўлмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида банк ва молия тузилмалари анча фаоллашгани кузатилди. Хусусан, ўтган муддат давомида ажратилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми 187,3 миллиард сўмга кўпайди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда мулкчиликнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш инвестициялар ҳажмининг кўпайишига олиб келди. 15 та лойиҳа бўйича 54,7 миллион АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилди.

Шаҳарда йил сайин ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони кўпайиб бормоқда. Ўтган йили маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 1,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Бу эса 2005 йилга нисбатан 12,6 фоиз юқоридир. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикадаги каби пойтахтда ҳам экспорт ҳажмининг ўсиши хомашё ҳисобига эмас, балки тайёр маҳсулотлар, жумладан, трикотаж, пахта матолари, кабель, қурилиш жиҳозлари ҳисобига ошиб бормоқда.

2006 йилда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. 49,4 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўтган вақт ичида 972 та янги корхоналар, шу жумладан бешта йирик корхона ишга туширилди. Йирик корхоналар негизида касаначиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, 2006 йилда уй шароитида 4,8 мингдан зиёд янги иш жойлари яратилди.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури доирасида кўплаб таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, оилавий поликлиникалар қуриб фойдаланишга топширилди, капитал таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Ўтган йил якунлари муҳокамаси чоғида айрим соҳалардаги муаммо ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, кейинги пайтда уй-жой-коммунал соҳаси учун яратилаётган имкониятларга қарамасдан, тизимдаги ширкатлар фаолиятида ҳануз самарадорликка эришилмаётир. Мавжуд ширкатларнинг аксарияти бугунги кун талаби даражасида фаолият кўрсата олмаяпти.

Аҳолининг коммунал хизматлари бўйича дебиторлик қарздорлиги эса ҳанузгача муаммолигича қолмоқда. Чунки бу борада аниқ механизм ишлаб чиқилмаган. Ҳисобот даврида аҳолининг газ ва электр қуввати учун қарзлари анча ошган. Коммунал хизматларининг тўловларни ундиришга қаратилган 21 миллиард сўмга тенг даъво аризалари суд томонидан қаноатлантирилган бўлса-да, ижроси пайсалга солинмоқда. Шу билан бирга, давлат солиқ идоралари мутасаддиларининг масъулиятсизлиги оқибатида тадбиркорлик субъектларига молиявий жарималарни ноқонуний қўллаш ҳолатлари камаймаяпти.

Сўзга чиққан нотиқлар шаҳар хўжалигида тўпланган тажриба, шунингдек, юқорида қайд этилган муаммоларга эътибор қаратган ҳолда пойтахтнинг барча соҳалар, шу жумладан, коммунал соҳасида ҳам барқарор ва изчил ривожланиши учун имкониятлар етарли эканлигини таъкидладилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалаларни ҳал этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Сурхондарё

Вилоятнинг 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган йиғилишида ўтган йил кўплаб соҳаларда воҳада ижобий силжишлар кузатилгани таъкидланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш йил давомида 8,6 фоизга ўсган. Бу 203 миллиард сўмликдан кўп маҳсулот етиштирилди, дегани. Ўсиш суръатлари саноатда 17,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида 12,8, пуллик хизмат тармоғида 11 фоизни ташкил этди.

Бироқ ялпи маҳсулот ҳажмида саноатнинг улуши ҳамон пастлигича қолаётир. Бу бир қатор корхоналарнинг тўла қувватда ишламаётгани, янгиларини ташкил этишга панжа орасидан қаралаётгани, айниқса, бу соҳани қишлоқда ривожлантириш мутлақо талаб даражасида эмаслиги билан изоҳланади. Қизириқ туманида, масалан саноат ишлаб чиқариши бултурги кўрсаткичдан ҳам пасайтириб юборилди. Узун, Музробот, Ангор, Шеробод туманларида бор имкониятлардан фойдаланилмади. Ҳатто, вилоятнинг саноат маркази бўлмиш Денов туманида жиддий камчиликлар кузатилмоқда. Вилоятда рўйхатга олинган 51 та қўшма корхонанинг 12 таси (шундан 8 таси Термиз шаҳрида) ишлаяпти. Айрим туманларда ҳатто, ўз ички эҳтиёжини қоплайдиган ғишт заводлари йўқ.

Ички маҳсулотнинг 60 фоиздан кўпроғи кичик ва ўрта бизнес субъектларига тўғри келаётгани кўнгилли ҳолат. Бироқ тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига уларга ҳамон тўраларча муносабатда бўлишга чек қўйилмаяпти.

Касаначилик асосида 2006 йилда вилоятда 4000 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Лекин бу мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, дегани эмас. Соҳага уй бекалари, қишлоқ чеварлари тўла жалб этилмаяпти. 40 минг гектардаги суғориладиган томорқаларда етиштириладиган неча юз минг тонналаб мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга қишлоқ аҳлини жалб этиш, бу тармоққа фермер хўжаликларининг иштирокини таъминлаш, фермерларнинг иш ўринларини яратишга қаратилган масъулиятини ошириш бугунги долзарб вазифалардан бўлиб қолмоғи керак. Айниқса, чорва маҳсулотларини қайта ишлашда илғор минитехнологиялар ташкил этишни кун тартибига қўйиш пайти келди.

Сариосиё, Музробот, Олтинсой, Шеробод туманларида пуллик, маиший хизмат кўрсатиш даражаси қониқарсиз. 4 та туманда сартарошлик, яна 4 та туманда ҳаммом хизмати йўқ. Бозорлардаги тайёрлов корхоналари фаолиятининг ўта сустлиги, тайёрлов идораларининг, агрофирмаларнинг деҳқон хўжаликлари билан ҳамкорлиги ўз ҳолига ташлаб қўйилгани нархларнинг ўсишига олиб келмоқда.

Сурхондарё катта имкониятлар минтақасидир. Тошкўрғон-Бойсун-Кумкўрғон темир йўл қурилиши ниҳоясига етаётгани, Хонжиззада ярим металл комбинатини бунёд этишга қўл урилаётгани, Бойсун заминининг бой ер ости ва ер усти хазиналарини ўзлаштиришга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар, пахта ва пилла толасидан тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қуввати оширилажаги ва энг муҳими, воҳа одамларининг ислоҳотларни чуқурлаштиришда белни маҳкам боғлаб эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилаётгани шу азиз юртнинг янада обод бўлишига хизмат қилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

Фарғона

Мамлакатимиз саноатининг таянч минтақаларидан бири бўлган, пахтачилик илмидан бутун Марказий Осиёга дарс берган фарғоналиклар иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўзларининг пешқадамликларини тўла намоён эта олмаяптилар. Тўғри, мамлакатимиз миқёсидаги беқиёс ўсиш суръатлари вилоятга ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Чунончи, якунланган йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 5,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 1,8, пулли хизматлар кўрсатиш 23, қурилиш ишлари ҳажми 14 фоизга, маҳсулот экспорти ҳажми эса 1,8 мартага ўсди.

Қурилиш жабҳасидаги қолоқликка ҳам секин-аста барҳам бериляпти. Барча молиялаштириладиган манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар 173 миллиард сўмни ташкил этди. Бу тармоқдаги ўсиш суръатлари 105 фоизни, пудрат ишларидаги ўсиш эса 115 фоизга тўғри келди.

Бандлик дастури нафақат ижтимоий тармоқни балки бутун халқ хўжалигининг муҳим соҳасига айланди. Бу соҳага умумдавлат, умуммиллий нуқтаи назаридан қаралаётгани учун ҳам 53 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Йиғилишда эришилган ютуқларни таъкидлашдан кўра, бой берилган имкониятлар, ечимини кутаётган муаммолар таҳлили, йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, қолоқликка барҳам бериш йўлларини излаш, интилиш, иштиёқ билан ҳаракат қилиш ҳақида кўпроқ фикр билдирилди. Чунончи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мамлакатимиз пойтахтидан сўнг иккинчи ўринда турадиган вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми мамлакатимиз кўрсаткичидан 2 фоизга кам — 20,7 фоизни ташкил этишини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича белгиланган дастурлар бажарилиши учун қўшимча чоралар кўрилмаганлиги учун ҳам Бешариқ туманидаги «Бестекс» қўшма корхонаси, «Нефтзаводмонтаж» бирлашмаси, «Фарғона кимёвий толалар» заводи, «Тошлоқ ДЭУ текстайл» хорижий корхонаси йилни зарар билан якунлади.

Энг ачинарлиси, яхши ниятлар билан ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги 99 та корхонадан 20 таси умуман фаолият кўрсатмаяпти. Фаолият кўрсатаётганлари ҳам имкон даражасида ишламаяпти.

Қишлоқ хўжалиги вилоят иқтисодиётининг оёғига тушов бўлиб қолмоқда. Қатор йиллардан бери соҳада шартнома шартлари муттасил бажарилмаётгани ташвишланарлидир. Вилоят ялпи ички маҳсулот ҳажмининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган тармоқда маҳсулот тайёрлаш ҳажми аввалги йилга нисбатан 6,8 фоизга камайиб кетди.

Шунингдек, мажлисда коммунал хўжаликдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, банк хизмати, кичик ва ўрта бизнеснинг аҳволи ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол ҳам чуқур таҳлил этилди. 2007 йилда амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари қабул қилинди.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Ҳ. КАРИМОВ, Ф. САНАЕВ, О. УСАНОВ, Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЖАҲОН 24 соат ичида



Индонезиянинг йўловчи ташувчи «Левин I» кемасида кутилмаганда ёнғин чиқди. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, йўловчилардан олти нафари ҳалок бўлган. 11 кишининг тақдири номаълум. Кема Жакарта портидан чиқиб, Бангка оролига йўл олган. Унинг бортида 350 нафар йўловчи бўлган.

Буюк Британия ва Даниядан сўнг Литва ҳам Ирокдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини маълум қилди. Мамлакат бош вазири Юозас Олекс Англия ва Дания қанча аскарини ўз мамлакатларига қайтарса, Литванинг ҳам шунча ҳарбийси Ироқни тарк этишини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, жорий йил август ойига қадар 53 нафар литвалик ҳарбий хизматчи Ироқда қолади. Ўтган ҳафта Словакия ҳам ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини расман билдирганди. Таҳлилчилар Ироқдаги коалицияда бўлиниш юзага келганини таъкидлашмоқда.

Сербия делегацияси Косовонинг мақомини белгилаш юзасидан БМТ киритган таклифнинг барча бандларини рад этди. Мазкур масалада Венада халқаро ҳамжамият воситачилигида музокаралар бўлиб ўтмоқда. Серб ҳукумати вакилининг сўзларига кўра, БМТ режаси мамлакат суверенитетига ва ҳудудий дахлсизлигига таҳдид солади.



Жанубий Африка Республикаси мамлакат атом электростанцияси учун мустақил тарзда уранни бойитиш ишларини бошлашини эълон қилди. Бу ҳақда мамлакат минерал ресурслари ва энергетика вазири Буйилви Сонджики Кейптаунда парламент йиғилишида маълум қилди. Манбада айтилишича, ҳукумат мазкур масалада анча олдин бир қарорга келган. Унга кўра, 2030 йилга қадар мамлакатда АЭС қурилади. Лойиҳа баҳоси 15 миллиард долларни ташкил этади. Вазир лойиҳа амалга ошгач, 25 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилиши ва қўшимча иш жойлари яратилишини билдирди. Бундан ташқари, бойитилган уран импорти учун кетаётган маблағ тежалади.

Microsoft компанияси раҳбари Билл Гейтс ўз фарзандларига компьютердан узоқ муддат фойдаланишни тақиқлаб қўйди. Бундан олдинроқ Оттавада бўлиб ўтган бир учрашувда компьютер отаси фарзандлари бир кунда ўртача 45 минутдан кўп экран олдида ўтирмаслигини таъкидлаганди. Унинг бундай қарорга келишига сабаб бадавлат зотнинг болалари компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари берилиб кетганидир.

Бугун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга нисбатан ядровий тадқиқотларни тўхтатиш юзасидан берилган 60 кунлик муддати тугади. Хавфсизлик Кенгаши МАГАТЭдан мазкур масалада расмий ҳисобот кутмоқда. Жорж Буш маъмурияти агар расмий Теҳрон БМТ резолюцияси шартларини бажармаса бундан-да жиддийроқ жазо чоралари қўлланиши мумкинлигини билдирди.

Россия Федерал муҳожирлик хизмати қўшни мамлакатлардан келган ноқонуний ишчиларга навбатдаги амнистия қўллаш юзасидан акция бошламоқчи. Хизматнинг ташқи меҳнат миграцияси бошқармаси ўринбосари Сергей Болдирев мамлакат иқтисодиёти эҳтиёжига яраша хориж фуқароларига ишлашга рухсат берилишини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, жорий йилнинг 15 январига қадар мамлакат муҳожирлик тўғрисидаги қонунчилигини бузиб, Россияга келганлар икки минг рубль миқдорида жарима тўлайди ва ўн кун муддат ичида ишлашга рухсатнома олишади.

Италия Сенати мамлакат бош вазири Романо Продининг Афғонистонга қўшимча кучлар жўнатиш режасини қўллаб-қувватламади. Бош вазирнинг НАТО доирасида Афғонистондаги тинчликпарварлик миссиясида Италиянинг иштирокини кучайтириш режасига кўпчилик сенаторлар қарши овоз беришди. Овоз натижалари эълон қилингач, мухолифатчилар Романо Продини истеъфога чиқишга чақирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Расмий маълумотлар ва оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, сўнгги пайтда Ўзбекистон билан чегарадош мамлакатларда айрим юқумли касалликлар, жумладан, грипп ва бошқа ўткир респираторли вирусли инфекциялар бўйича эпидемиологик аҳвол мураккаблашган. Шунингдек, ичтерлама ва вирусли гепатит билан хасталаниш ҳолатлари ҳам рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр Ниёзматов ЎзА мухбирига ушбу касалликларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

ЭНГ ЯХШИ ОМИЛ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

— Сайёрамизда минглаб турли вируслар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги одам ҳаёти учун хавфлидир, — дейди Б.Ниёзматов. — Вақти-вақти билан улар эпидемия орқали ўзини намоён этиб туради. Кейинги ўн йил давомида инсоният ушбу вирусларнинг янги турлари ва штаммлари, жумладан, ОИТС вируси, "парранда гриппи"ни қўзғатувчи ва одамларга юқадиган H5N1 штаммига дуч келмоқда. 2003 йилдан буён "парранда гриппи" билан дунёда жами 273 киши касалланди, уларнинг 61,2 фоизи ҳаётдан кўз юмди. Бу жуда ҳам ташвишли кўрсаткич. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу касталик билан паррандалар, айниқса, одамларнинг касаллангани билан боғлиқ биронта ҳолат рўйхатга олингани йўқ.

Бироқ, хотиржамликка берилмаслик керак. Республикамизда ушбу касалликка нисбатан осойишта вазиятни сақлаб туриш учун эпидемияга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар доимий ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Боз устига, ушбу инфекцияни қўзғатувчи унсурлар ғоят "айёр" бўлиб, бошқа мамлакатларда тез тарқалмоқда. Озарбойжон, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Миср, Индонезия, Ироқ, Камбоджа, Хитой, Россия ва Туркияда "парранда гриппи" рўйхатга олинган. Кўплаб уй паррандалари қирилиб кетмоқда, касалликнинг олдини олиш мақсадида ушбу инфекцияни юқтирган барча қушлар йўқ қилинмоқда. Бу эса иқтисодиётга катта зарар етказмоқда, инфекция ўчоқларини йўқ қилиш учун қўшимча сарф-харажатлар талаб этмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда паррандачилик соҳаси — уй паррандаларини етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликлар, ундан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, ушбу маҳсулотлар сотиладиган бозорлар алоҳида назорат остига олинган. Санитария ва ветеринария хизматлари, вирусолог олимлар ва бошқа мутахассислар ҳамкорликда ишламоқда. Мактабгача болалар муассасаларида санитария назорати кучайтирилди, одамлар гавжум бўладиган жойлар, шунингдек, жамоат транспорти мунатазам дезинфекция қилинмоқда.

Қўшни давлатларда ичтерлама ва вирусли гепатит каби бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши ҳам биздан қатъий профилактика чораларини кўришни талаб этмоқда. Давлат чегараларимиз кесишган жойлар, жумладан, темир йўл бекатлари ва аэропортларда 89 санитария-назорат пункти кучайтирилган тартибда ишламоқда. Ушбу пунктлар мутахассислари Ўзбекистонга келаётганлар орасидан касалликка чалинганликда гумон қилинаётган одамларни аниқламоқда, мамлакатимизга сифатсиз ҳамда сертификатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида назоратни кучайтирмоқда. Бундан ташқари, чегарадош давлатлардан республикамиздаги дарёлар ва очиқ сув ҳавзаларига оқиб келаётган сув сифати ҳам мунтазам текширилмоқда. Чунки улар инфекцияни тарқатадиган манбага айланиши мумкин. Республикамиздаги барча лабораториялар зарур аппаратура, ташхис қўйиш воситалари, реактивлар билан тўлиқ таъминланди.

Яна шуни унутмаслик лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун дунёда ОИВ/ОИТС билан касалланган ва уни юқтирган беморлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу офат бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, республикамизда ушбу аср вабоси билан касалланиш сўнгги пайтда анча пасайди. Менимча, бу борада энг самарали йўл — соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Хавфли гуруҳга мансуб одамлар, турмуш қураётган ёшлар ва ҳомиладор аёлларга ОИВ бўйича текширувдан ўтишни тавсия этамиз. Шу билан бирга, қон ва унинг препаратларини қуйиш учун қон хавфсизлигини таъминлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Қонни тўғридан-тўғри қуйиш ман этилди. Энди бунинг учун фақат лабораторияда синчковлик билан текширилган препаратлардан фойдаланилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз давлат санитария ва эпидемиология назорати хизмати доимгидек шай ҳолатда турибди. Бироқ, бу борада фақат шифокорларга ишониб қолмаслик керак. Биринчи навбатда, фуқаролар ўзини турли касалликларни юқтиришдан сақлаши, оддий санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиши, ювилмаган мева-сабзавотларни истеъмол қилмаслиги, қайнатилмаган сувни ичмаслиги, овқат тайёрлаш учун қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум сифатсиз маҳсулотларни ишлатмаслиги лозим. Яна бир маслаҳат: агарда сиз ўзингизда касаллик аломатларини сезсангиз, ўзингизни ўзингиз даволашга уринманг. Негаки, ҳар бир дори сизга ёрдам бериши ҳам, соғлиғингизга зарар етказиши ҳам мумкин. Шунинг учун ўз вақтида шифокорга учрашинг, унинг тавсияларига амал қилинг. Бу касалликни тез енгиш имконини беради.

ЎзА мухбири А.ИВАНОВА ёзиб олди.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Поп-ФЕН»нинг экспорт салоҳияти

Поп туманидаги «Поп-ФЕН» қўшма корхонаси халқаро стандартлаштириш тизими сертификатини қўлга киритганига анча бўлди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 93 фоизи ташқи бозорга чиқарилмоқда. Корхона калава ипларининг буюртмачилари сафида Туркия, Россия, Беларусь давлатлари бор. Ўтган йилда хорижга 8 миллион 645 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган. «Поп-ФЕН» йил якунларига кўра, «Энг яхши экспортчи» номинацияси бўйича ғолиб чиқиб, республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг махсус дипломига сазовор бўлди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2007 йил 28 март — ЭЪЛОН! — соат 10.00 да

ВШ-736	«Тошкент — Дўстлик», икки томондан
ВШ-745	«Тошкент — Пахтакор», икки томондан
ВШ-754	«Тошкент — Иштихон», икки томондан
ВШ-800	«Ангрен — Самарқанд», икки томондан
ВШ-847	«Тошкент — Нурота», икки томондан
ВШ-863	«Гагарин — Самарқанд», Гагарин томондан
ВШ-894	«Тошкент — Жўш», Жўш томондан
ВШ-939	«Тошкент — Ургут», Ургут томондан
ВШ-943	«Тошкент — Нуробод», икки томондан
ВШ-968	«Гулистон — Жиззах», икки томондан
ВШ-969	«Гулистон — Зомин», икки томондан
ВШ-970	«Гулистон — Гагарин», икки томондан
ВШ-972	«Гулистон — Дўстлик», икки томондан
ВШ-988	«Тошкент — Термиз», Термиз томондан
ВШ-1026	«Ургут — Урганч», икки томондан
ВШ-1090	«Тошкент — Хазорасп», икки томондан
ВШ-1095	«Тошкент — Қумқўрғон», икки томондан
ВШ-1096	«Тошкент — Гурлан», икки томондан
ВШ-1097	«Тошкент — Шофиркон», икки томондан
ВШ-709ЙТ	«Тошкент — Янгиер», икки томондан
ВШ-789ЙТ	«Тошкент — Ғиждувон», икки томондан
ВШ-969ЙТ	«Зомин — Гулистон», икки томондан
ВШ-1098ЙТ	«Навоий — Ғиждувон», икки томондан.

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва ҳалқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идораларараро комиссия**.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идораларараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2007 йил 24 мартгача буюртма беришлари лозим.

Идораларараро комиссия тендер таклифларини 2007 йил 27 март соат 14.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

Наврўз яқин

Шу кунларда қишнинг шашти қайтиб, тоғларнинг қори шўх ирмоқчаларга айланиш арафасида. Ора-сира кўклам шабадалари эсиб қолади. Қуёшни соғинган далалардан тракторнинг тариллаши эшитилади. Халқимиз баҳорни, Наврўзни интиқлик билан кутмоқда. Маданиятшунос олим, Маннон Уйғур номидаги Санъат институти ректори, профессор ***Усмонжон ҚОРАБОЕВ*** *билан суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақда.*

Азалий ва орзули байрам

— Кейинги пайтларда илмий адабиётларда, даврий нашрларда «анъанавий байрамлар» сўзи кўп ишлатилмоқда. Анъана ўзига хос иҳтимоий ҳодиса сифатида кишилар онгига сингиган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуасидир. Бугун, баҳор эшик қоқиб турган бир паллада анъанавий Наврўз тарихига яна бир назар ташласак, нима дейсиз?

— Халқимизнинг анъанавий байрамлари қамрови кенг, кўп ва ранг-баранг бўлиб, улар табиат ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ. Дунёдаги барча халқларнинг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ҳам анъана ва байрамлари табиат, иқлим, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, кишиларнинг кундалик ҳаёти, меҳнати ва маданияти асосида шаклланиб борган. Деярли барча халқларда табиат, меҳнат мавсуми ва ҳар фаслга мос маросим ва байрамлар мавжуд бўлиб, улар замонга мос тарзда ўзгариб борган. Улар адабиётларда мавсумий («календарь») байрамлар деб ном олган.

Наврўз табиат уйғониши, баҳор келиши, кун ва тун тенглиги, дала ишлари бошланиши каби ҳодисалар нишонланадиган байрам. Тарихда бу байрам йил боши — янги йил байрами сифатида ҳам машҳур бўлган. Байрамда баҳор келиши, янги меҳнат мавсумига бағишланган сайиллар ўтказилиб, турли томошалар, ўйинлар намойиш этилган, махсус таомлар тайёрланган.

Шўролар ҳокимиятни эгаллаб олгач, аҳолини ўз томонига оғдириш мақсадида сиёсий, диний эътиқод эркинлиги ва миллий анъаналарни ривожлантириш ҳақида ваъдалар берди. Жумладан, уларнинг илк ҳужжатларидан бири — «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» номли (1917 йил, 20 ноябрь) мурожаатида шундай дейилади: *«Бундан буён сизларнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва монесиз тарзда қуринг. Бунинг учун ҳуқуқларингиз бор».* Улар ҳатто, миллий эътиқод ва анъаналарни ҳимоя қилиш кафолатини ҳам беришади: *«Билингки, сизларнинг ҳуқуқларингизни, Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби, инқилоб ва унинг органлари, солдат ва деҳқон депутатлари советлари бор кучи билан муҳофаза қилади».*

Бироқ, шўролар ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан сўнг, ваъдаларига тескари ишлар қила бошлади. Жумладан, барча миллий байрамларни тақиқлади. Уларнинг бирортасини ҳам давлат байрами тизимига киритмади. Миллий анъаналар уларнинг мақсадига хизмат қилмаганлиги учун, уларга қарши зимдан ва ошкора кураш олиб борилди. Халқ урф-одатлари ва байрамларининг ижобий жиҳатлари уларни қизиқтирмасди. Шўролар ўз ҳудудидаги барча халқларни ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий қадриятларга қарши кураш олиб борди. Наврўзнинг тақдири аянчли бўлди. Аввалига шўро сиёсатдонлари Наврўзни коммунистик мафкурага хизмат қилдиришнинг пайида бўлишди. Шу мақсадда илк баҳор пайтларида шаҳардаги майдонларда сиёсий томошалар ташкил этилди. Бу тадбирга маҳаллий зиёлилар мажбурий тарзда жалб этиларди. Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида «эскилик сарқитлари»га нисбатан қарши кураш давлат сиёсатига айланди. Қадимий миллий маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар тафтишга учради. Аммо маҳаллий миллат кишилари чекка жойларда яширин тарзда анъанавий байрам, маросимларни ўтказаверишди.

— Ўйлаб топилган «Колхоз тўйи» ва «Навбаҳор» номли байрамларнинг Наврўз ўрнини босолмаслигига ҳам айнан мана шундай эътиқод сабабчи бўлган, тўғрими?

— Албатта. 30-50-йилларнинг шахсга сиғиниш даврларида анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар (Чўлпон, Фитрат, Сўфизода ва бошқалар) «шўро давлати сиёсатига қарши ёт унсур» ёки «миллатчи» деб айбланган. Ҳатто диний мазмунга эга бўлмаган халқ маросимларида қатнашган кишиларга нисбатан турли жазо чоралари ҳам қўлланилган. Қатағон йилларида Наврўзнинг ўрнига «Колхоз тўйи» деган байрам жорий этилган. Наврўзни нишонлаётганларни қўлга олиш компаниялари тузилиб, байрам ташкилотчилари, иштирокчилар давлатга қарши фитна уюштирганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

60-йиллар бошларида шўролар мамлакатида миллий байрам ва маросимларни ўтказишда жонланиш рўй бергандек эди. Илғор фикрли зиёлилар ташаббуси билан жойларда Наврўз байрамини ўтказиш ҳаракати бошланди. Аммо, Наврўз давлат байрами сифатида тан олинмади.

70-йилларга келиб шўролар халқ байрамларига қарши норасмий кураш бошлади. Маҳаллий ҳокимият вакилларига жойларда миллий байрамлар ўтказилишига йўл қўймаслик, уларнинг ўрнига янги совет байрамларини жорий этиш зарурлиги ҳақида яширин ва ошкор буйруқлар юборилади. 1985-87 йилларда оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журналлар)га Наврўз ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслик хусусида топшириқлар берилди. Республика телевидениеси дастуридан Наврўз байрамига бағишланган кўрсатувлар олиб ташланиб, унинг ўрнига «Ассалом, баҳор» номли концерт кўрсатилган. Бундай тақиқ ва таъқиблар, табиийки, халқнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунда шўро сиёсатдонлари Наврўз ўрнига «Навбаҳор» номли янги байрам ўтказилишини таклиф этдилар. Бу янги байрам доирасида илгари Наврўз таркибида бўлган ҳашар, кўчат ўтқазиш, хотирлаш маросими, қабристонларни обод қилиш каби тадбирларга янгича тус беришга уринишлар бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди. Натижада, «Халқ байрамларини тиклаш муаммолари» бўйича фаол зиёлилардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ томонидан ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган муддат «Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги» сифатида белгиланиб, бу вақтда «Наврўз», «Хотира куни», «Бойчечак байрами» ва бошқа маросимларни ўтказиш тавсия қилинди. Бу эса хайрли ишларга дебоча бўлди.

Мустақиллик арафасида ҳам миллий байрамларни тиклаш ҳақида гап кўп эди-ю, аммо уларни нишонлаш ҳақида расмий ҳужжат мавжуд эмас эди. Ислом Каримов республика раҳбари бўлганидан кейингина шундай ҳужжат пайдо бўлди. 1989 йил 28 февралда унинг ташаббуси билан Наврўз байрамини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. 1990 йилда эса 21 март умумхалқ Наврўз байрами ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари 1990 йил бошида халқ вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай деган эди: «Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатларидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар «Наврўз» байрамига, миллий кийим-кечакка қарши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди. Диндорлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини кўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор уқтириб ўтмоқчиман».

— Наврўзнинг ахлоқий-тарбиявий томонлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Халқ байрамлари, хусусан, Наврўзда қадимий ва замонавий одатлар уйғунлашиб, улар одамлар ўртасида инсоний фазилатларнинг равнақ топишини таъминлайди. Олижаноблик, саҳийлик, раҳмдиллик каби ғояларни янада улуғлайди. Бир сўз билан айтганда, Наврўз аждодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикрлари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини ўзида мужассамлаштириб, жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи, инсонпарварликни барқарор этувчи ва аҳолининг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омилдир. Шунингдек, у одоб-ахлоқ, имон-эътиқод, саховат, одиллик, ҳалоллик, биродарлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик хислатларини ҳам юксалтиради.

— Мустақиллик йилларида Наврўз қай даражада юксалгани эса кўз олдимизда намоён бўлмоқда...

— Ҳа, истиқлол туфайли у мамлакатимизнинг асосий байрамларидан бирига айланди ва ҳар йили катта тантаналар билан нишонланмоқда. Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон «Миллий боғи»да энг йирик театрлашган томошалар намойиш этилади. Асосий томошалардан сўнг, Мустақиллик майдонида, Халқлар дўстлиги саройида, Алишер Навоий театри ва Хадра майдонларида, шунингдек бошқа жойларда халқ сайиллари бўлиб ўтади. Айнан сайиллар бу байрамнинг умумхалқ шодиёнаси эканлигини ёрқин ифодалайди. Барча вилоятларда байрам шодиёнаси кўтаринки рухда давом этади. Наврўз нафақат инсон ва табиатнинг, балки миллий ва қадимий урф-одатларимизнинг ҳам янгиланиш давридир. Озодлик, эркинлик, тенглик, тинчлик, қадр-қиммат ва меҳр-оқибату мурувват байрамидир. Дўстлик ва байналмиллалликнинг ёрқин тимсолидир. Мақсадимиз уйғониш ва покланиш, енгилланиш айёми ҳар бир юрт-дошимиз қалбига эзгу шукуҳ ато этсин.

Барчамизга яқинлашиб келаётган Наврўзимиз муборак бўлсин!

«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Ниҳол

Буюк келажакка муносиб авлод



Ёшликда олинган билимни тошга ўйилган нақшга қиёсламиз. Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қанчалик эрта эътибор қаратилса, унинг нафи ҳам шунчалик барвақт кўзга ташланади. Мамлакатимиз таълим тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало ана шу фалсафа мужассам.

Йўлингиз тушиб, Сергели туман халқ таълими бўлимига қарашли "Умид" номли 552-болалар боғчасига борсангиз, бу ерда қатъий интизом шиор қилиб олинганлигига амин бўласиз. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун бир тану бир жон бўлиб изланаётган жамоанинг фаолияти чинданам эътиборга лойиқ. 200 ўринга мўлжалланган мазкур болалар боғчасида шарт-шароит қулайлигидан ташқари, тарбияланувчиларнинг пухта савод чиқаришларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 12 та гуруҳ ва бир қанча тўгаракларда фаоллик кўрсатаётган устозлар қўлида тарбияланаётган болажонларнинг суҳбатларини эшитиб завқланасиз.

Қалби юз-кўзларидек мусаффо болажонларнинг орзу-ниятларига қаранг: Улуғбек исмли болакай: "Мен катта бўлсам боғбон бўламан", деса, кўзлари доим кулиб турувчи Кристина: "Ўқитувчилик — энг катта орзуим!" дейди ғурур билан. Шунингдек, яна бошқа болажонлар ҳам шовқин-сурон қилиб ўзлари эшитган, билган, қизиққан касблар ҳақида гапира кетишди. Уларнинг турли касб ҳақида гапиришлари бежиз эмас. Чунки ҳозиргина "Тарбиячи мутахассисларнинг иш тажрибасини кузатиш" деб номланган навбатдаги очиқ машғулот боғида устозлар турли касб-кор хусусида тўхталдилар. "Касблар билан таништириш" мавзусидаги ушбу машғулотни бошқарган тарбиячи Нодира Ғозиеванинг айтишича, бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

— Машғулотларга тумандаги бошқа боғча мудиралари ҳам таклиф этилган, — дейди мазкур муассаса раҳбари Гавҳар Қосимова. — Мақсад, ўз устида ишлаётган, янгилик сари интилувчан тарбиячиларимизнинг иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборат. Эртанги кун эгалари деб фарзандларимизга суянаётган эканмиз, уларнинг тарбиясига ҳам боғча ёшиданоқ жиддий масъулият билан ёндошишимиз лозим. Шу маънода, ўтказилиши анъанага айланган очиқ машғулотлар, оммалашаётган тажрибалар, бир кун келиб, албатта ўз самарасини беришига ишонамиз.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Амир – халқаро кўргазма совриндори

Шаҳрисабз туманидаги тасвирий ва амалий санъат лицейининг 9-синф ўқувчиси Амир Абдумўминов «Дунё — болалар нигоҳида» халқаро кўргазмасининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Ҳиндистон давлат арбоби А. Шанкар номидаги Бутунжаҳон болалар расмлари кўргазмаси ҳар йили бўлиб ўтади. «Шанкар-2006»га дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатидаги ёш мусаввирлар ўз асарларини тақдим этдилар. Ғолибларни аниқлашда рассомларнинг ижодий изланиши, тасвирчилик маҳорати ва мавзунинг долзарблиги асосий мезон ҳисобланади. Шаҳрисабзлик ўқувчининг бу муваффақияти юртимизда иқтидорли ёшлар тарбиясига катта эътибор берилаётганлигининг натижасидир.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

«Мустақиллик кубоги» турнири олдидан

1-4 март кунлари Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дунё миқёсидаги йирик мусобақа — эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтади.

Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (FILA) тақвимидаги олтин Ғран при туркумига кирувчи мазкур турнир юртимизда ўн йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси бош котиби Константин Михайловнинг айтишича, бу йилги мусобақада дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан полвонлар иштирок этиши кутилаяпти. Халқаро турнирнинг мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Унда Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, Сослан Тигиев, Александр Доктурашвили, Дилшод Орипов, Баҳром Рўзиқулов ва бошқа эркин ҳамда юнон-рум кураши бўйича нуфузли турнирлар ғолиблари юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Полвонлар қиролликда беллашади

Миллий спортимиз курашнинг дунёда оммалашувида етти йилдан буён Буюк Британияда анъанавий ўтказиб келинаётган Ислом Каримов турнирининг алоҳида ўрни бор.

25 февраль куни бошланадиган навбатдаги турнир аввалгиларидан нуфузи ва салоҳияти жиҳатидан юқори бўлиши кутилмоқда. Буюк Британия Кураш ассоциацияси президенти Тим Томосниг таъкидлашича, Юртбошимиз, КХА фахрий президенти Ислом Каримов халқаро турнири бугунги кунда ёш полвонларни кашф этишда ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Ташкилий қўмита аъзолари халқаро турнирни ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини кўриб қўйишди. Мусобақани ёритиб бориш учун махсус матбуот хизмати ташкил этилди.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулокот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Галина Анатольевна ПУГАЧЕНКОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқарув раиси Исфандиёр Худоёрович Латиповга отаси **Худоёр ЛАТИПОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси Бухоро минтақавий кон-техника инспекцияси ходимлари Темур ва Нуржон Абдуллаевларга оналари **МАВЖУДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси доценти Замира Шомуҳамедовага отаси **Шоислом ШОМУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Бизнес ва иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси Ҳабибулла Хўжаевга онаси **ЗАҲРО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5